

2025 йил 11-14 март кунлари давомида
Жамғарманинг Бухоро вилоят бўлинмаси томонидан
амалга оширилган ишлар тўғрисида
МАЪЛУМОТ

1. Тасдиқланган мониторинг ва тарғибот жадвалига мувофиқ, Бўлинма ходимлари Вобкент туман тиббиёт бирлашмасига, Вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказига, ОИТСга қарши кураш марказига ҳамда РИО ва РИАТМ Бухоро филиалига мониторинг ва тарғибот тадбирлари ўтказилиб маълумотлар умумий бўлимга берилди.

2. Бухоро вилоятидаги бирламчи тиббий санитария-ёрдами муассасаларида DMED ахборот тизимининг реимбурсация дастурида 2025 йилнинг февраль ойида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботи тайёрланиб, Жамғармага тақдим этилди.

3. Бухоро вилоятида реимбурсация дастурини жорий қилиш мақсадида қўшимча Ромитан туманида жойлашган **“Музайян-Фарм”МЧЖ** ва Бухоро шаҳарда жойлашган **“Бобониёз”Х.К** лар билан шартномалар тузилди.

4. "WORLD FARM" МЧЖ га қарашли филиал ходимларининг маълумотлари реимбурсация бўлим бошлиғи И.З.Собировга тақдим қилинди.

5. Бухоро вилояти Вобкент тумани КТМП, 9-ОП ва Пахтакор ОШП тиббиёт бирлашмаларига тасдиқланган режа графиги асосида мониторинг ва тиббийт ходимларининг реимбурсация дастури ишлаш механизми тўғрисида тушунчага эга бўлиши учун амалий ёрдам бериш мақсадида борилди ва кўрсатмалар берилди.

6. Вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг штат тарификацияси таҳлил қилинди.

7. Шифохоналарда mis2.ssv.uz электрон тизими, февраль ойи ҳолатига, 066-х/ш, 066-1-х/ш юритилиши мониторинг қилинди ва маълумотлар ТХСНҚБга тақдим этилди.

8. Март ойи даволанган ҳолатини mis2.ssv.uz тизимига киритилиш ҳолати таҳлил қилиниб ва хато камчиликка йўл қўйган ДПМ раҳбарларига камчиликларни бартараф этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

9. Бухоро вилоятидаги бирламчи тиббий санитария ёрдамчи муассасаларида "д" назоратидаги алоҳида сурункали касалликга чалинган беморларни қатнови ва DMED ахборот тизимининг реимбурсация дастуридаги дори воситаларини олишга эҳтиёжлари бўйича маълумот йиғилди.

10.Тиббиёт муассасаларини касса харажатлари маълумотлари таҳлил қилинди.

11.Жамғарма томонидан Молия бошқармаси билан қўшимча маблағ ажратиш масаласида иш олиб борилди.

12.Тиббиёт муассасаларининг дебитор ва кредитор қарздорликлари таҳлил қилинди.

13.Даволаш-профилактика муассасаларида тиббий ёрдам сифатини назорат қилиш ва экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни ССВ мутахассислари билан биргаликда кўриб чиқилмоқда.

14.Тиббиёт муассасаларини Аҳоли жон бошига ҳамда Глобал бюджет бўйича молиялаштириш учун сертификат тайёрланди.

15. EDO.IJRO.UZ Ижро интизоми идоралараро электрон тизими орқали келиб тушган хужжатлар кўриб чиқилди.

**Жамғарманинг Бухоро вилоят
худудий бўлинмаси бошлиғи в.в.б**

А.Раджабов
14.03.2025 й.